



Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 август куни Оқсаройда «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова-ни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмоннинг ЮНЕСКО раҳбари сифатида юртимизга ilk ташрифи мамлакатимизни янада яқинроқ билиш, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси билан танишиш имконини беришига ишонч билдирди.

Томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда.

Ўтган 20 йил мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улугбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолiddин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари дунёга машҳур шаҳарларимиз, «Алпомиш», «Авесто» каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъмур академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро «Тинчлик шаҳри» деб эълон қилинди. Бойсун

маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула ва Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган.

Ирина Бокова самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, Ислам Каримовни мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан табриклади. Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири — Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган, мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини, маънавий ҳамфикрликни мустаҳкамлашга қаратилган олижаноб ғоя ва мақсадлари боис тобора оммавийлашиб бораётган IX халқаро санъат ва маданият анжуманининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг бутун дунёда тан олинаётган ютуқлари барча соҳаларда узокни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар, Ўзбекистон раҳбарининг маданият ва таълимни ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва умумбаъшарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратаётган доимий эътибори самараси эканини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА

«Шарқ тароналари — 2013»

Соҳибқиронга эҳтиром

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар кўйди.

Президентимиз ташаббуси билан 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан бунёд этилган мазкур ёдгорлик халқимизнинг буюк аждодимизга бўлган ҳурмат-эҳтироми рамзидир. Ушбу ҳайкалнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрига Амир Темур орденини топширди ва 18 октябрни Самарқанд куни сифатида нишонлаш таслифини билдирди. Самарқандда ташриф буюрадиган юқори мартабали меҳмонлар, нуфузли делегациялар халқимиз ва давлатимизга бўлган эҳтиромини мазкур мажмуани зиёрат қилиш билан изҳор этиб келмоқда.

Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бирдамликни мустаҳкамлаш ва тарғиб этишга хизмат қилаётган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали иштирокчиларининг Амир Темур ҳайкали пойига гул кўйиши ҳам мазкур анжуман доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир. Ер юзининг тур-

Маросимда ЮНЕСКО Бош директори И.Бокова, Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

ҲАҚАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Юрт тинчлиги — барқарор тараққиёт кафолати

ЎзХДП Марказий Кенгашида «Юрт тинчлиги — ижтимоий барқарорлик ва халқ фаровонлигига эришиш гарови»

мавзусида ўтказилган давра суҳбатидида шу ҳақда алоҳида таъкидланди. Унда партия Марказий Кен-

гаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, вилоят партия кенгаш-

лари раислари, олимлар, сиёсатшунослар ва ёшлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Сайёрамиз келажаги ва инсоният тақдири

экологик муаммолар ечимига, табиатни асрашга боғлиқ

Экологияга муносабат нафақат ҳозирги кунимиз, балки келajak тақдиримизни ҳам белгилаб беради. Шу сабабли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш умумхалқ ва умумдавлат аҳамиятига молик масалалар. Сайёрамиз келажаги ва инсоният тақдири бугунги кунда экологик муаммолар ечимига, табиатни муҳофаза қилишга ҳар жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолди. Чунки экологик муаммо замирида алоҳида халқ, миллат ва минтақанинггина эмас, балки бутун дунё, бутун инсоният келажаги, тақдири ётибди. Бошқача айтганда, табиатни муҳофаза қилиш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш асримизнинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

⇒ 2

Ижтимоий ҳимоя

Аҳоли бандлиги

Олтинсой туманида ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 114 нафар киши иш билан таъминланди

Туманда «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Амалдаги йилнинг ўтган ярим йилида 6 марта бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилган бўлса, 2 минг 550 нафардан ортиқ киши иқтисодийнинг турли тармоқларига ишга жойлашди.

Яқинда 1-умумтаълим мактабида навбатдаги меҳнат бозори ўтказилди. Унда тумандаги 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларида мавжуд 200 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. 114 нафар киши мутахассислигига мос соҳага ишга қабул қилинди. Уларнинг асосий қисмини коллеж битирувчилари ташкил этади.

— Ёшлигимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим, — дейди Мафтуна Маҳмадмуродова. — Бу йил нияларим ижобат бўлди. Термиз давлат университетини тугаллаш баробарида 12-умумтаълим мактабига ишга жойлашдим.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

Кадрлар билан ишлаш

тизими янада такомиллашмоқда

Яқинда Тошкент шаҳри миқёсида бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларни якунладик. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд 1330 та БПТдан 200 тасининг етакчиси ўзгарди. Уларга ёш, дунёқараш кенг, сиёсий жараёнларни чуқур тушунадиган етакчилар сайланди.

(Давоми 2-бетда.)

Ижтимоий ҳимоя

Ноғиронлар ҳуқуқи ва муҳофазаси

⇒ 3

«Шарқ тароналари — 2013»

Ирина БОКОВА:

Ўзбекистонда таълим, фан ва маданият изчил ривожланмоқда

⇒ 4

Истиқлол имкониятлари

«Одамларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш бурчимиздир»

— дейди Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Юсуф Аҳмедов.

⇒ 5

Имконият, тажриба, изланиш...

Муқобил энергия, муқобил лойиҳа, муқобил таклиф

⇒ 6

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:

ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИГА,



аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилмоқда

www.uzbekistonovozi.uz

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Ногиронлар ҳуқуқи ва муҳофазаси

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронларга ҳаётда тенг имконият ва шароитлар яратиб бериш масаласига алоҳида аҳамият бериб келинади. 1991 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун 2008 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ янги тахрирда қабул қилинди.

Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, юқоридаги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги «Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2010 йил 23 декабрдаги «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 5 январдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари га нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасига асосан, ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар ва болалиқдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, доридармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминлаш, шунингдек, касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парварishi қилиш, ўзганинг парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлар эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаш қонунлари мизда кўрсатилган.

«Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунда 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс, кўзи оғир ногиронлар ва кўзи оғир ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахсларнинг шахар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 февралдаги «Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, болалиқдан ногиронлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахслар турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади. Шунингдек, мазкур қарорда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган ногирон шахсларга амбулаторияда даволашда доридармонлар текин берилиши қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми»нинг 9-бандига кўра, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар, ногирон боласи бўлган оилалар болали



оилаларга нафақа, бола парварishi бўйича нафақа ва моддий ёрдам олишда устулик ҳуқуқига эга. Кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларга бепул йўлланмалар олиши мумкин. Болалиқдан ногиронлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобыль АЭСидаги ҳалокатини тугатишда қатнашган ногирон шахслар турғун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод қилинади.

Ногиронлар ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида ташкилотлар тузишлари мумкин. Ҳозирда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган ва ногиронлар соҳасида фаолият олиб борувчи Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон Миллий паролитика ассоциацияси, Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи оғирлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти каби ташкилотлар ва уларнинг ҳудудлардаги бўлимлари фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда бундай ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратиб берилган ва ушбу ташкилотларнинг олиб бораётган фаолиятлари ҳам эътибордан четда қолмайди. Жумладан, ҳар йили ногиронларни ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритувчи бир қатор новдават нотижорат ташкилотларининг аҳамиятга молик лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нотижорат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти-

нинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилиб келинмоқда.

Ногиронлар ва уларнинг ташкилотларига солиқ соҳасида бир қатор имтиёзлар белгилаб берилган. Хусусан, Солиқ кодексига асосан уруш ногиронлари ёхуд 1941-1945 йиллардаги уруш даврида ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажаришда яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган бошқа ногиронлар, совиқ партизанлар жумласидан бўлган ногиронлар, шунингдек, пенсия таъминоти бўйича мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилган бошқа ногиронлар, болалиқдан ногирон бўлиб қолганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари солиқ солишдан қисман (даромад олинган ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридаги даромадлар бўйича) озод қилинади.

1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, I ва II гуруҳ ногиронлари мулкида бўлган мол-мулк жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ер солигини, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан қўл билан бошқаришга мослаштирилган енгил автомобилни ва (ёки) мототаравагани олувчи барча гуруҳлардаги ногиронлар автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йўлнинг тўламайди. 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан, қариялар ва ногиронларнинг интернет-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар фуқароларни турар-жойга қайд эт-

Ижтимоий ҳимоя

ганлик ва рўйхатдан чиқарганлик ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олганлик учун давлат бож тўлашдан озодлар.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар юридик шахслардан олинганлиги фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи каби солиқлардан озоддирлар.

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек, уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларида барча турдаги дэволар бўйича ҳамда нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда барча нотариал ҳаракатлар бўйича давлат божини тўламайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги қарори билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази ташкил қилинган. Ҳозирда марказда ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасига биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун махсус жисмоний тарбия соғломлаштириш, спорт иншоотлари яратилишини ҳамда умумий фойдаланишдаги иншоотларда бошқа шарт-шароитлар яратиб берилишини таъминлайдилар.

Юқоридагилар билан бир қаторда ногиронларга меҳнат, оила, фуқаролик муносабатларига ҳам қўллаб имтиёзлар яратиб берилган.

Албатта, ногиронларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, уларга ҳаётда тенг имкониятлар яратиб бериш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамиятда ижтимоий мувозанатни сақлаш, ижтимоий адолат принципини қарор топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Зикрилло МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул
ходими.

Миллий матбуот марказида

ЭЛЕКТРОН ХАРИДЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНИШИ

аҳолини арзон маҳсулотлар билан таъминлайди

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Президентимизнинг 2013 йил 5 апрелдаги «Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида»ги қарорининг мазмун ва моҳияти тарғиботида доир матбуот анжумани ўтказди.

— Қарорда белгиланган ва-зифалардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди, — дейди қўмита раиси ўринбосари Умар Турдиев. — Ушбу қарорлар давлат ва корпоратив харидлар нархлари шаффофлигини таъминлаш, улар устидан олиб бориладиган давлат ва жамоат назорати самарадорлигини ошириш, нархларни манипуляция қилишнинг олдини олиш имкониятини беради. Бундан ташқари, республика товар хомашё биржасининг электрон харидлари орқали со-тиб олинadиган товарлар, иш-лар ва хизматларга буюртмаларни ҳайлаштириш амалиёти табиий монополия субъектла-рига, давлат унитар корхона-

бўлган корхоналар ҳамда дав-лат унитар корхоналарининг ҳар бир шартнома бўйича миқдори 100 минг АҚШ долларигача бўлган буюртмаларини бажариш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси товар хомашё бир-жасида ташкил этилган элект-рон аукцион савдо тизимидан 2200 тадан ошқ «Буюртмачи-лар» ва 3800 тадан ортиқ «Ет-казиб берувчилар» аккредита-циядан ўтказилган.

Электрон аукцион савдолар-нинг энг эътиборли жиҳати шун-даки, дастлабки эълон жойлаш-тирилишининг мажбурий тала-би корпоратив харидлар учун 15 кун белгиланган. Бу ҳолат элек-трон савдолардаги буюртмалар-га потенциал етказиб берувчи-лар сонини суъий чеклаш им-кониятини бермайди. Ҳолибни аниқлаш электрон тизим ёрда-мида автоматик равишда амал-га оширилиши натижасида ха-ридор ташкилотнинг мансабдор шахслари томонидан ноҳили-лик вужудга келиши, яъни етқа-зиб берувчилар билан олдиндан ҳар хил келишувларнинг олди олинади.

Тадбир якунида журналист-лар мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга батаф-сил жавоб олди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хориж

Планшетлар

компьютер ўрнини босади...ми!

Айни пайтда мобиль алоқа хизматининг замонавий тури ҳисобланмиш планшетлар дунё бозори-дан шахсий компьютерларни сиқиб чиқармоқда.

«Gartner» таҳлил ком-панияси маълумотлари-га асосланиб «Ведомос-ти» нашри хабар бери-шча, 2012 йил охирида шахсий компьютер иш-лаб чиқарувчилар жорий йилда дунё бозорига 315,2 миллион дона шах-сий компьютер етказиб беришни режалаштирган эдилар. Аммо апрелдан савдо даражасининг ту-шиб кетиши бу режани 10,1 миллионга камай-тиришга мажбур этди.

Бунга дунёнинг мобилла-шиб бораётгани асосий са-бабдир. Эндиликда компь-ютер умумшарини мобиль алоқа тармоқлари орқали ҳам бажариш имконининг яратилиши компьютер бо-зорига акс таъсир этмоқда.




Планшетлар имконининг кенглиги унинг янада ом-малашувига замин ярат-моқда. Жорий йилда дунё бозорига 197,2 миллион дона (бу 2012 йилдаги кўрсаткичдан 70 фоиз ортиқ) планшет етказиб бериш режалаштирилган эди. Талабнинг ортиши эса яна 4,6 миллион дона қўшимча планшет ишлаб чиқаришни тақозо этмоқ-да.

Оммалашган фамилия

олиш учун рухсат керак

Эстония маъмурияти республикада ўта оммалаш-ган фамилияларнинг янги рўйхатини эълон қилди ва шу билан бирга ушбу фамилиялардан бирини олиш учун расмий рухсат сўраш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилди.



«ERR» ахборот агентли-ги маълум қилишча, айни пайтда 500 та фамилия оммалашган рўйхат тарки-бига киритилган.

Мазкур рўйхатни тузган ва чеклов жорий этган ҳудудий ишлар бўйича ва-зирлик раҳбари Сийм-Валмар Кийслернинг ай-тишча, айрим фамилия-ларга нисбатан чеклов жо-рий этишдан мақсад фа-милияларнинг ўта оммала-шуви натижасида турли чалкашликлар келиб чи-қилиши олдидан олишдир.

2010 йилда ҳам бун-дай рўйхат эълон қилин-ган эди. Айни пайтда у иккитага ўзгарди: Кова-лев ва Ковалева фами-лияси рўйхатдан чиқа-рилган бўлса, Вийра фа-милияси чекловга туш-ди. Негаки, Ковалева фамилияси бир оз ка-майган бўлса, Вийра фа-милияси жуда кўпайиб кетган.

Эстония қонунчилиги-га биноан республика фу-қаролари нисбатан қириш-ган оммалашган рўйхат тарки-бига киритилган.

Маълумотларга қараган-да, ҳар йили ўртача минг нафар эстон ўз фамилия-сини ўзгартириш учун те-гишли ташкилотларга рас-мий муносабат этиди. Айни пайтда «Иванов» фами-лиясидагилар жуда кўпчи-ликни ташкил қилади.

Элчихона

қайта иш бошлади

АҚШ давлат департаменти берган расмий баё-нотта асосланиб «Reuters» ахборот агентлиги ха-бар тарқатишча, АҚШнинг Яман пойтахти Сана-даги элчихонаси шу ҳафтадан қайта иш бошлади.

Бу Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида қайта фаолиятини бош-лаган АҚШнинг ўн тўққи-зинчи дипломатик мис-сиясидир. Бошқа элчи-хоналар ва консулхона-лар 11 августда ўз фа-олиятини давом эттириши бошлаган. Аммо Поки-стоннинг Лаҳор шаҳридаги АҚШ консулхонаси фао-лиятини қайта тиклаганича йўқ.

Август бошларида АҚШ-дан ташқари Буюк Брита-ния, Франция ва Канада ҳам Африка ва Яқин Шарқ-даги элчихоналарини вақ-тинча ёпган, мазкур муас-сасалардаги ходимларни



олиб чиқиб кетган эди. Сабаб: «Ал-Қоида» тер-рорчилик ташкилоти етак-чиси Айман ал-Завахири билан ушбу ташкилотнинг Ямандаги яъекаси етакчи-си Носир ал-Вухайши ўр-тасидаги телефон мулоқоти, яъни яқин кунларда хун-резлик амалга оширилиши ҳақидаги суҳбат АҚШ мах-сус хизмати томонидан фош этилган ва тегишли чоралар қўрилган.

Очлик эълон қилганлар

мажбурий овқатлантирилади

АҚШ суди Калифорния қамоқхоналари маъмури-ятларига очлик эълон қилган мажбусларни мажбу-рий овқатлантиришга расмий рухсат берди, дея хабар қилади «The Los Angeles Times» газетаси. Бундан ташқари, очлик эълон қилган мажбуслар жисмоний аҳолини метёйда сақлаш учун мажбуслар рад қилган тақдирда ҳам тиббий усулларни қўллашга рухсат берилди.



Эслатиб ўтамиз: айни пайтда Калифорниянинг 6 та қамоқхонасида бир гуруҳ мажбуслар қамоқхо-надаги шароитнинг ёмон-лиги ва бир кишилик ка-мерада мажбуслар йил-ла сақланаётганидан но-рози бўлиб, 8 июлдан бери очлик эълон қил-моқда.

Тадбир

Жойларда Ўзбекистон касаба уюшмалари фе-дерацияси томонидан энг улуғ, энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида «Қадр-қим-матим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбе-кистон!» шиори остида «Саховат ва Мурувват уйлари – касаба уюшмалари эътиборида» акция-си ўтказилмоқда.

Байрам совғалари топширилди

Акция доирасида Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳ-ридаги Саховат уйида бўлиб ўтган тадбирда отахон ва онахонлар, имконияти чек-ланган инсонлар, кенг жа-моатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоли-гида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, кек-салар, уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йил-ларда ёлғиз кексалар, пен-сионер ва ногиронларни иж-тимоий ҳимоя қилишни яна-да кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу бо-рада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Федерация ташкилотлари томонидан ушбу ҳужжат ик-роси юзасидан тизимли иш-лар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур йўналиш-даги ишлар касаба уюшма-лари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифа-тида белгиланиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кек-салар, пенсионер ва ноги-ронларнинг ижтимоий-иқти-содий манфаатлари, улар-нинг жамият ҳаётига инте-грациялашуви таъминланмоқ-да. Мамлакатимизнинг тари-хий ва муқаддас жойларига зияратлар ташкил этилмоқ-да. Турли тармоқларда узоқ йиллар меҳнат қилган пен-сионерлар касаба уюшмалари тизимидаги санаторий-ларда имтиёзли соғломлаш-тирилмоқда.


Бир гуруҳ отахон ва она-хонлар, имконияти чеклан-ган инсонларга Ўзбекистон касаба уюшмалари федера-циясининг байрам совғала-ри топширилди.

Таниқли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар тадбирга байрамона руҳ ба-ғишлади.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Ирина БОКОВА:

Ўзбекистонда таълим, фан ва маданият изчил ривожланмоқда



Санъат миллатию тилидан қатъи назар, элу элатларни бирлаштиради, уларни эзгу ришталар билан боғлайди. Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрами арафасида Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Хар галгидек, бу йил ҳам ушбу халқаро мусиқа анжуманида иштирок этиш мақсадида юртимизга дунёнинг турли мамлакатларидан ижодий жамоалар, санъат ихлосмандлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири фестивалнинг фахрий меҳмони

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО Бош директори Ирина БОКОВА билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистоннинг санъат, маданият ва таълим соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари хусусида нима дея оласиз?

— Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи менда гоёат катта таассурот қолдирди. Ушбу лицейда тахсил олаётган иқтидорли ёшларни кўриб, уларнинг ижро намуналаридан баҳраманд бўлиб, жуда таъсирландим. Бу Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг санъат соҳасидаги таълимни ривожлантиришга улкан эътибор қаратаётганидан далолатдир. ЮНЕСКО учун бу гоёат муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳар беш йилда санъат соҳасидаги таълим масалаларига бағишланган катта форумлар уюштирамиз. Икки йилдан буён май ойида санъат соҳасидаги таълим ҳафталигини ўтказамиз. Фикримча, Ўзбекистонда бу борада фахрланса арзигулик жиҳатлар кўп. Мен бу аjoyиб мактабни кўриш имконига эга бўлган

нимдан жуда хурсандман. Бу ерда нафақат ҳақиқий иқтидор эгаларини, балки ўз ишига меҳр қўйган, касбига катта эътибор ва масъулият билан ёндашадиган ўқитувчиларни ҳам кўрдим.

Таълим-тарбия ва санъат ривожига бундай ёндашув албатта ўзининг юксак самараларини беради. Шу боис болаларга «Болажонлар, сиз эртага жуда машҳур санъаткор бўлиб етишасиз. Ушанда мен сизнинг расмингизни кўрсатиб, бир пайтлар сиз билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлганимни айтиб, мактанаман», дедим.

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Дунёга доврүк таратган, тўққизинчи бор ўтказилаётган мазкур халқаро фестивалда иштирок этиш учун тақдир этилган менга катта мамнуният бағишлайди. ЮНЕСКО «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўтказилишини ҳамisha қўллаб-қувватлаб келган. Биз учун анъаналарни, яъни номоддий меросни сақлаб қолиш ва асраб-авайлаш жуда муҳимдир.

— Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси ҳақидаги таассуротларингиз қандай?

— Ушбу кутубона жойлашган бино ҳамда йирик форумлар ўтказишга мўлжалланган, мукамал меъморчилик намуналарига эга муҳташам Симпозимлар саройи, ундаги заллар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Эътиборимни тортган жиҳат шуки, кутубонада X-XI асрларга оид жуда қадимий нашрлар, қўлёзмалар ва ҳужжатлар, хусусан, ЮНЕСКОнинг «Дунё хотираси» дастурига киритилган Усмон Муҳаммаднинг нусхаси сақланган экан. Мазкур бебаҳо асарларни

асраб-авайлаш борасидаги ишларга тахсинлар айтса арзийди. Бу китоблар бутун инсоният учун жуда қадридлир. Энг қувонарлиси шундаки, кутубхонада ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкони мавжуд. Агар биз билимли жамият қурмоқчи бўлсак, барча учун ахборот очиклигини яратиб беришимиз даркор. Айниқса, дам олиш кунини бўлишига қарамай, залларда жуда қўллаб-қувватлаб келган кўзим тушди. Уларнинг ўқиб-изланаётганини кўриб, жуда таъсирландим. Шунинг ўзи мазкур кутубхонада ахборот олиш учун барча шароит мавжудлигидан далолат беради.

— Бу йил Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик йўлига қўйилганига йиғирма йил тўлади. Ўзаро алоқаларимизнинг ривожига ҳақида нима дея оласиз?

— Дарҳақиқат, жорий йилда биз ҳамкорлигимизнинг йиғирма йиллигини кенг нишонлаш ниятида-миз. Ўзбекистон раҳбарияти ЮНЕСКО фаолиятини доим қўллаб-қувватлаб келган, Тошкентда ваколатхонамиз бор. Таълим ва маданиятни, маданий меросни асраб-авайлаш борасида яқин ҳамкорлик қилиб келямиз. Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган дурдона тарихий-меъморий обидалар кўп.

Ўзбекистон — буюк келажак сари дадил интилаётган мамлакат. Юртингизда сифатли таълим, фан ва маданият, ахборот технологиялари изчил ривожланмоқда. Буларнинг барчаси ташкилотимиз билан Ўзбекистон ўртасида истиқболли ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжудлигидан далолатдир.

ЎЗА мухбири
Ирода УМАРОВА
суҳбатлашди.



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалига бағишланган навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирини М.Хожиматов, Самарқанд шаҳри ҳокими А.Шукров, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори О.Иброҳимов ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг миллий мусиқа меросини ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Фестиваль нуфузи ортиб, унда иштирок этиш истагини билдирган санъаткор ва мусиқашунослар сафи кенгайиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Бу галги фестивалда қатнашиш учун бугунги кунга қадар Самарқандга элликдан зиёд давлатдан иштирокчи ва меҳмонлар ташриф буюрди. Улар шаҳардаги энг замонавий, барча шароитларга эга меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Меҳмонларнинг вақти мазмунли ва таассуротларга бой ўтиши учун Самарқанд шаҳри ва вилояти бўйлаб саёҳат, таълим муассасалари ва маданий-тарихий обидалар билан танишув, миллий ҳунармандчилик ва мусиқа асбоблари кўргазмалари, жойларда аҳоли билан ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Фестиваль жараёнини ёритиш учун бир қатор хорижий давлатлардан журналистлар Самарқандга келди.

Махсус мухбирларимиз Самарқанддан хабар қилади

Регистонда дунё тароналари яна янграйди



Кўҳна цивилизация бешиги ҳисобланган, Шарқ фалсафаси руҳи, бетакрор санъати ва бой маънавий меросини ўзида мужассам этган, асрлар мобайнида дунё аҳлини ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келадиган Самарқанд катта шодийна оғушида. Кўчалар, хиёбонлар, сайлгоҳларда байрам шукуҳи, ана шу кўтаринки кайфият одамларнинг руҳиятини чулғаб олган.

«Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик даврида Самарқандда катта ҳажмда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари баҳарилди. Мазкур халқаро мусиқа анжумани давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётганлиги боис бу йўналишдаги амалий ишлар янада кенг қулоқ ёйди. Регистон майдонида фестивалнинг асосий сахнаси тайёрланиб, байрам мазмун-моҳиятига монанд равишда безаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Фестиваль кунлари шаҳарда музейлар, ҳунармандлар марказларида халқимиз мусиқа маданияти ва тарихига оид янги экспозициялар ташкил этилади, миллий чолғу асбоблари ва тарихий либосларни бир-бирига туташтириш, ривожлантириш, ёш авлоднинг санъатга, айниқса, мусиқага меҳр руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида ижо-

дий ҳамкорликни, дўстликни мустаҳкамлаш, маданий алоқалар доирасини янада кенгайтиришга қаратилган.

Тодд Лавелле

— Халқаро фестиваль ҳайъат аъзоси (Таиланд):

— Менга Ўзбекистон, унинг тарихий обидалари жуда ёқадди. Бу мўъжиза! Бундай фестивални ташкил этгани учун Президентингизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Тадбирда қатнашаётган мусиқачилар, санъаткорлар нафақат куйлашади, жонли ижрога янги ҳаёт бахш этади. Бу ердаги ижодий муҳитдан таассуротларим бекиёс. Мен Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ билгим келмоқда. Сизлар маданий меросингизни сақлаш баробарида уни ривожлантирмоқдасиз. Мухими, бу авлоддан авлодга ўтмоқда. Ёшлар буни нақадар қимматли эканлигини англаш-

ларининг ўзи мени ҳайратга солмоқда. Бу халқингизнинг ўлмас бойлигидир.

Аида Эйвазова
— журналист
(Озарбойжон):

— Мен айни шу кунларда меҳнат таътилига чиқиб, ўз ватаним Озарбойжонда бўлишим керак эди. Лекин «Шарқ тароналари» фестивалини ёритишга бўлган иштиёқ туфайли бу ерданман. Мен Озарбойжон телерадиокомпаниясининг Ўрта Осиё ва Ўзбекистондаги мухбириман. Самарқандни жуда яхши кўраман. Чунки у жуда гўзал шаҳар. Бугун у яна ҳам мафтункор қиёфа касб этган. Одамларни ўзига ром айлаб, чорламоқда. Бир йилда шаҳарга 300 мингдан зиёд сайёҳ ташриф буюраётган бўлса, бугун меҳмонлар, сайёҳлар сони янада ошган. Баҳорда гуллар қийос очилганидек, «Шарқ тароналари» мусиқий гулдастасини кўҳна Самарқанд бутун дунё халқлари ҳукмига ҳавола этади. Журналист сифатида

уни ёритиш менга завқ бағишлайди.

Ли Минг

— Тайван фольклор фестивали ассоциацияси бош котиби:

— Биринчи бор Ўзбекистонга 2003 йил келгандим. Ҳар гал янгидан-янги ўзгаришларни кўраман. Булар Ўзбекистоннинг қудратини, халқининг салохиятини билдиради. Сизнинг бой тарихингиз, маънавий меросингиз юксак эканлигини кўрсатади. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқий фестивалида мен бунга иқдор бўлганман. Ўзбек санъати — қадимий санъат, «Шарқ тароналари» фестивалида янграётган куй-қўшиқларингиз буни тасдиқлаб турибди.

Мен фестивалда қатнашган, бу санъат форумининг аҳамияти қанчалки юксак даражада эканлигини ҳис этдим. Фестиваль дунё халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўш-

моқда. Дунё мамлакатлари санъаткорларининг ўзаро таъриба алмашишлари учун катта имконият яратмоқда.

Мазкур фестивалда бўладиган илмий-амалий конференцияда мен «Тайван ва Ўрта Осиё ўртасидаги ўзаро алоқалар тўғрисида»ги маърузам билан иштирок этаман. Ўйлайманки, бу илмий анжуман Шарқ халқлари маданий меросини чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади.

Саида Даукеева

— Қурманғози номидаги Қозоқ миллий консерваторияси фольклор лабораторияси мудири, санъатшунос олим (Қозоғистон):

— Мен Қозоғистон, Марказий Осиё, шунингдек, Европа каби турли давлатлардаги илмий конференция, форумларда иштирок этганман. Ўзбекистонда биринчи бор қатнашяпман. Ушбу анжуманга қозоқ халқининг қадимий мусиқий чолғу асбоби — қобизнинг тарихи ҳақида маъруза тайёрлаганман. Шунингдек, конференцияда бошқа ҳамкасбларимнинг ҳам маърузаларини тингламоқчиман. Умуман, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали дунё мусиқаларининг акс садоидир. Мен у ҳақда жуда кўп эшитганман. Таърифи дунёга машҳур, бу фестивалга бутун дунёдан олимлар, таниқли мусиқашунослар, бастакорлар, композиторлар ташриф буюришади. Уч минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига келганимдан бағоят хурсандман. Шу ўринда фестиваль ташкилотчиларига ўз



миннатдорлигини билдираман.

Френки Раден

— ҳайъат аъзоси, мусиқашунос олим (Индонезия):

— Ўтказилаётган фестивалда нафақат ҳайъат аъзоси сифатида, балки конференцияда ўз маърузам билан иштирок этаман. Унда Индонезия мусиқа маданиятининг умумий хусусиятлари ҳақида гапирмоқчиман. Ўзбекистон — гўзал мамлакат, у ҳақда жуда кўп ўқиганман, эшитганман. Интернетдан Самарқанд ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқдим ва юртингизга тезроқ бориш орзуим бўлиб қолди. «Шарқ тароналари» бетакрор ҳамда дунёдаги нуфузли фестиваллардан биридир. Биласизми, мен қўллаб-санъат анжуманларида иштирок этганман, лекин бу фестивал дунё халқлари миллий маданияти ва санъатини намойиш этаётгани билан қадрли. Бу барчани қувонтиради.

Насиба СОБИРОВА,
Альбина ЖУМАНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари,
Самарқанд шаҳри.





«Одамларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш бурчимиздир»

— дейди Республика шошилиంచ тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Юсуф Аҳмедов

Тараққиётнинг «ўзбек модели» халқаро доираларда кенг эътироф этилмоқда. Таълим бўйича «ўзбек модели», иқтисодда «ўзбек модели», кишлоқ уй-жойлари қуришда «ўзбек модели»... Худди шунингдек тиббиётда ҳам Президентимиз ташаббуси билан ўзига хос миллий модел яратилди. Буни кишлоқ врачлик пунктлари, ихтисослашган республика тиббиёт марказлари ҳамда Республика шошилинач тиббий ёрдам илмий маркази мисолида ҳам кўрамыз. Марказнинг вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги филиаллари, шунингдек, туман, шаҳар бўлимлари халқимизга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда ўзига хос локомотив вазифасини ўтамоқда.

Республика шошилинач тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд вилоят филиали бугунги кунга келиб аҳолининг тўла маънода ишончини қозониб, эътирофига сазовор бўлмоқда. Мана бу мисолга эътиборингизни қаратамиз. Ўтган 2012 йилда марказга вилоят аҳолиси томонидан 48 мингдан ортиқ мурожаатлар бўлган. Шундан салкам 24 минг бемор даволаниб чиққан. 7 минг нафар беморда эса

жарроҳлик амалиёти ўтказилган.

Бугунги кунда ушбу даргоҳда қабул бўлими, нейрохирургия, хирургия, терапия, гинекология, урология, неврология, травматология, токсикология, реанимация ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, 330 ўринга эга бўлган мазкур марказ Самарқанд вилоят тиббиётининг тож томирига айланди.

Бунинг бош омили эса қу-

йдагилардир. Биринчидан, марказда ҳар қандай беморга ёрдам кўрсата оладиган мутахассис кадрлар, яъни 3 нафар фан доктори, 20 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, энг замонавий тиббий техника ва аппаратуралар билан тўлиқ жиҳозланган. Шунингдек, Самарқанд давлат медицина институтининг 7 та кафедраси мазкур марказда жойлашган.

Марказ ўз фаолиятида на-

фақат амалий тиббиёт, балки илмий фаолиятга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Марказ ходимларининг ҳар йили 100 га яқин илмий-оммабоп мақолалари, рисола ва монографиялари мамлакатимиздаги етакчи нашриёт ва нашрларда чоп этиб келинмоқда. Шунингдек, ҳар йили кўплаб республика ва халқаро конференцияларда илмий ходимлар ўз маърузалари билан иштирок этмоқда. Жорий йилда марказ раҳбари Юсуф Аҳмедов Германияда, илмий ишлар бўйича ўринбосар Мансур Аъзамов Австрияда хизмат сафарида бўлиб қайтишди.

Марказ ҳамда унинг туман ва шаҳар бўлимларида кадрлар заҳирасини яратиш мақсадида клиник ординаторлар тайёрлаш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда ушбу даргоҳда 20 га яқин клиник ординаторлар таълим олишмоқда.

Ушбу тузилманинг асосий йўналишларидан яна бири аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишдир. Бу эса қуйидаги омилларга боғлиқ: мала-

кали мутахассислар, санитар автомашиналари, тиббий асбоб-ускуналар ва дори-дармон воситалари.

Таъкидлаш керакки, 2010-2013 йиллар давомида вилоятга 68 та санитар автомашиналари келтирилди. Уларнинг 7 таси Жанубий Корея гранти асосида олинган Hunday санитар автомашиналаридир.

Ҳозирда марказ тасарруфидаги 18 та тез тиббий ёрдам бўлимлари ва уларга қарашли 32 та тез тиббий ёрдам шохобчалари мукамал таъмирланди. Бунда вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 15 портиатив ЭКГ аппарати ва бошқа тиббий жиҳозлар берилди. Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тез тиббий ёрдам тизимини дори-дармон воситалари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

2010 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган «Энг намунали тез тиббий ёрдам станцияси» республика кўрик-танло-

вида Самарқанд шаҳар иккинчи тез тиббий ёрдам бўлими 2 ўринга сазовор бўлди. 2011 йилда эса Каттакўрғон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими 1 ўринни қўлга киритиб, Damas санитар автомашинаси билан тақдирланди. 2012 йилда марказ раҳбарининг тез тиббий ёрдам бўйича ўринбосари Мунира Нарзуллаева «Йилнинг энг малакали мутахассиси» танловида 1-ўринни эгаллади. 2013 йилда эса «Энг тажрибали шифокор» номинацияси бўйича Самарқанд шаҳар 3-тез тиббий ёрдам бўлими шифокори Мавжуда Мардонова республикада 1-ўринни эгаллади ва «Соғлиқни сақлаш аълочили» нишонига муносиб кўрилди.

Таъкидлаш керакки, бу каби ютуқ ва муваффақиятларга эришишда Республика шошилинач тез тиббий ёрдам илмий маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуҳаким Ҳожибоевнинг кўрсатмалари, тақлиф-тавсиялари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз шунга амин бўлдикки, марказда устозларга ҳурмат,

ёшлар интилишларига рағбат кўрсатилмоқда. Шу ўринда марказ раҳбари Юсуф Аҳмедовнинг мана бу сўзларини хулоса ўрнида келтирмоқчимиз:

— Президентимиз «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она-соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиумдаги нутқида «Энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва уларнинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўлимлари, тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат аҳолига бепул, юқори малакали шошилинач тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутлақо янги ва ноёб тизим шакллантирилди. Республика шошилинач тиббий ёрдам илмий маркази мазкур тиббиёт муассасаларига раҳбарлик қилмоқда ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширмоқда» деган эди. Бу эътироф ва ишонч биз соҳа ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди...

Фаррух ҲАМИДУЛЛАЕВ

Азиз юртдошлар!

**МАМЛАКАТИМИЗ ОБОДЛИГИ
ЙЎЛИДАГИ БУНЁДКОРЛИК
ИШЛАРИНГИЗДА УЛКАН
ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛСИН!**

Реклама

**Сурхондарё
вилояти,
Термиз
шаҳридаги**

**«НУР - М»
хусусий
фирмаси
жамоаси**

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ, ЛОЙИХА, ТАКЛИФ



Ўз уйингдан бошла

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал экологик жамғармасининг кичик грантлар дастури (ГЭЖ КГД) шори — глобал ўйла, ўз уйингдан бошла. Ҳа, глобал экологик муаммоларни ҳал этиш, аввало, мамлакатлар фуқароларининг, жамоат ташкилотларининг ҳаракатларидан бошланади.

ГЭЖ КГД томонидан молиялаштирилган лойиҳаларга қўйиладиган биринчи талаб атроф-муҳит учун фойдалилик мезонидир. Худди шундай яна бир муҳим талаб борки, бу — дастур ёрдамида ҳаётга татбиқ этилган инновацион ғоя ёки технологиянинг ҳамма учун очқилиги, уни оммалаштириш имкониятларининг яратилишидир.

Дастур ёрдамида ўзининг ғоясини амалга оширган киши ёки ташкилот атроф-муҳитга фойдали амалиётни

ўзларида синаб кўрганлигини бошқаларга тушунтириши ва тажрибасини кенг тарғиб қилиши керак.

Мазкур дастур Ўзбекистонда 2008 йилда фаолият бошлаган бўлса, шу давр ичида биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши, иқлим ўзгаришига мослашиш, ерларнинг емирилиши ва чўллаиш каби 59 та лойиҳани молиялаштирди. Бу лойиҳаларнинг айримлари синов жараёнида бўлса, бошқалари аллақачон оммалашган. Уларнинг баъзилари билан танишиш газетхонларимиз учун ҳам қизиқарли бўлса керак.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги «Надежда» фермер хўжалиги раҳбари Надежда Дурдина ГЭЖ КГД молиялаштирган лойиҳа асосида фермасига биогаз қурилмасини ўрнатган. Ҳозир унинг

фермаси энергиянинг экологик тоза муқобил манбаси — биогаз қурилмаси ёрдамида ишлаб чиқиладиган электр қуввати билан ишламоқда.

Бизга яхши маълумки, замонавий биогаз қурилмалари чорвачилик, майиш чикиндилар ва ем-хашак қолдиқларидан қимматли органик ўғит ва биогаз олиш имконини беради. Бундай газни иссиқлик олиш учун ёкиш ёки газ генератори ёрдамида электрга айлантириш мумкин. Бу жараёнда чикиндилар қайта ишланиб, нитрат ва нитритлардан, бегона ўт уруғларидан, патоген микрофлора, гелиминтлар тухуми, ўзига хос хидлардан холи экологик тоза қаттиқ органик ўғит ҳосил бўлади. Бундай ўғит турли иқлим ҳудудларида ҳар қандай тупроқ турларининг ҳосилдорлигини оширишда ва экологик ҳолатини яхшилашда қўлланилиши мумкин.

Энг асосийси, атмосферага тарқаладиган зарарли иссиқхона газлари миқдори кескин камаёди.

Дарвоқе, аниқ кунда Надежда биогаз қурилмасидан фойдаланаётган ягона фермер эмас. Грантга тақдим этилган лойиҳада қурилмани йиғиш ва ўрнатишга бошқа фермерларни ҳам ўргатиш назарда тутилган эди. Унинг фермер хўжалигида ташкил этилган ўқув базасида фермерлар қурилманинг ишлаш жараёнини ўз кўзлари билан кўради, ишлаш принципларини тушуниб олган, аксарияти хўжалигида қурилмани ўрнатиш ишתיқини билан кетишади ва буни амалга оширади ҳам.

СУВНИ ТЕЖАШ

Наманганлик Абдулвоҳид Болтабоев фермер хўжалигида томчилатиб су-

Имконият, тажриба, изланиш...

ғориш технологиясини жорий қилди. Мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган бу усулнинг қувурли тизимидан фойдаланиб, қўшилари бир гектар ердан 15-21 центнердан ҳосил кўтарган бир вақтда, у 38 центнердан пахта етиштирди. Бунинг учун сувни уч марта, минерал ўғитларни 50 фоиз, қишлоқ хўжалик техникаси учун ёнилғини 58-60 литр кам сарфлади.

Айни кунда Абдулвоҳиднинг ишлаб чиқариш корхонасида ГЭЖ КГД ажратган грант ҳисобидан хомашё олиниб, томчилатиб суғориш тизимлари ишлаб чиқарилапти. Бир қанча боғдорчилик ва пахтачилик билан шугулланадиган фермерлар бу тизимни сотиб олиб, ўз далаларида фойдаланишяпти.

КАДИМИЙ ҚУРИЛМАНИНГ НАВҚИРОН АВЛОДИ

Чархпалак, чигир, сув тегирмони — ота-боболаримиз ишлатган ва бизнинг давримизгача етиб келган турли номдаги бу сув қурилмаларини айни кунларда ҳавасманд кишилар боғига ёки кафега чирой ва эксклюзивлик бахш этиш учун фойдаланишяпти, холос. Лекин бу қадимий технологияни озгина такомиллаштириб, янги натижаларга эришиш мумкин. Спираль механизм ёрдамида сув оқимининг кучи билан бу қурилма сувни унинг сатҳидан баландга етказиб беради. Қурилманинг «аждодлари» эса ариқдаги сувни майдонни суғориш учун ўзидан пастанда ёки ўзи билан тенг жойлашган ва каналга бевосита яқин бўлган майдонга етказиб беради.

Замонавий спираль чархпалак билан анча баланд қияликдаги далаи суғориш мумкин.

Шерободлик Хусниддин Холмаматов ана шундай замонавий чархпалакни фаолиятида қўллаяпти.

— Бу усул билан бир томчи ёнилғи



сарфламай, сувни балангликка кўтариш билан бирга сувнинг ерга сингишига ҳам барҳам берилади, — дейди у.

Энди тасаввур қилинг. Агар бу технология кенг қўлланилса ёнилғи тежалди, уларнинг ёнишидан атроф-муҳитга ажраладиган зарарли чикиндилар камайд.

Агар сизда дастур лойиҳаларига қизиқиш уйғонган бўлса, www.sgp.uz сайтига киришингиз, турли лойиҳаларнинг бюджети ва қурилмаларининг чизмалари билан батафсил танишингиз мумкин.

Сирасини айтганда, фаолиятингизда дастур йўналишлари бўйича муаммонгиз ва бу муаммони ҳал этиш борасида ғоя ва таклифларингиз бўлса ҳам албатта сайтга мурожаат қилишингиз лозим. Бу ерда лойиҳага қўйиладиган талаблар ва грант олиш учун ҳужжатлар тақдим этиш қоидалари ҳақида маълумот оласиз.

— Атроф-муҳит ҳимояси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги энг мақбул ғояларни амалга оширишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал экологик жамғармаси кичик грантлар дастури сизга яхши кўмакдош бўлиши мумкин, — дейди дастур миллий координаторининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ассистенти Мақсад Бауетдинов.

Шарофат Йўлдошева,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси

Иш тажрибаси ва ўз моддий-техник базасига эга бўлган барча қурилиш корхоналари, ташкилотларини фуқаролик ва мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ҳамда реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.



Ушбу таклифга истак билдирган корхона ва ташкилотлар танлов савдосидаги қуриладиган бино-иншоотлар кийматида нисбатан 20 фоиз миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.

Маълумот олиш учун (8-371) 241-41-06 телефони орқали соат 10-00 дан 18-00 га қадар мурожаат қилиш мумкин. Шунингдек, ҳамкорлик қилиш истагида бўлган корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 5-«а» уй, факс: 244-31-39.

Сурхондарё вилояти

«МУЗРАБОТ ТОЛА БАЗАСИ»

масъулияти чекланган жамияти
ихтисослаштирилган
минтақавий пахта
терминали жамоаси

Халқимизни

мустақиллик айёми
билан табриклайди!

Ўз меҳнати билан мамлакатимиз фаровонлигига
ҳисса қўшаётган юртдошларимизга соғлиқ-омонлик,
бахт-саодат, хонадонларига
тинчлик-хотиржамлик
тилайди!

22





ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

Ишончли ва барқарор

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакат молия бозорида етакчилик мавқеига эга. 2013 йил 1 июлдаги ҳолатга кўра, банкнинг сармояси 1 141,4 млрд. сўмни, жамлама баланси сўм эквивалентида 13 146 млрд. сўмни ташкил қилди. Мижозлар базаси барқарор ўсиб бораётганлиги ҳам Миллий банк сиёсати тўғрисида тасдиқлайди. Чунончи, банк мижозлари сони 2,9 миллион нафарга етди.

Корпоратив мижозлар бизнесини ривожлантириш ҳам Миллий банкнинг устувор вазифаларидан биридир. Сифатли ва тезкор хизмат кўрсатилиши, шунингдек, айланма ва асосий сармояни молиялаш, конверсия хизматлари, инвестиция хизматлари, кредит йўналишлари, савдони молиялаштириш, «Банк-мижоз» масофадан хизмат кўрсатиш тизими каби ва кенг доирадаги бошқа қўллаб-қувватлаш операцияларини таъминлаш ҳам Миллий банкнинг ишончли гарови.

Бугунги кунда ёқилги-энергетика комплекси, кичиклик саноати, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳаси корхоналари банкнинг энг йирик мижозлари сафидан ўрин олган.

торини ривожлантиришда қўмқлашиб, молия-кредит хизматлари бозорида етакчилик қилиш имконини бермоқда.

Бу лойиҳаларнинг аксарияти ёқилги-энергетика комплекси, агросаноат комплекси, тўқимачилик саноати, транспорт ва алоқа, кичиклик каби тармоқларга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил учун инвестиция дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки томонидан қўйидаги лойиҳалар молиялаштирилди:

— «Societe Generale» банкнинг 80,96 млн. евро миқдоридаги тақдор молияланган маблағлари ҳисобидан «Ўзбекистон Республикасида биометрик паспорт

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКнинг ҳаво кемалари паркинги янгилаш ва унификациялаш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида 168,1 млн. АҚШ доллари сарфлаб, иккита «Боинг 767-300ER» сотиб олиш молияланиши расмийлаштирилди (Ислом Тараққиёт банкнинг маблағлари ҳисобидан).

«Сурғил кони негизда Устюрт ГККни қуриш ва конни жиҳозлаш» лойиҳаси бўйича молиялаш ишлари бошланиш арасида турибди (халқаро молия муассасаларининг кредитлари ҳажми — 2.404,9 млн. АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонднинг маблағлари — 100 млн. АҚШ доллари).

субъектларини қўллаб-қувватлаш учун банк берган кредитларнинг умумий ҳажми 567,5 млрд. сўмни ташкил қилди, 9 177 та янги иш ўрни яратилди. Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чор-ва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 23 мартдаги қарорини бажариш мақсадида, Миллий банк 2013 йил 1 июлдаги ҳолатга кўра, жами 7 195,5 млн. сўм миқдорида кредитлар берди.

Давлатимиз раҳбарининг «Нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 26 январ-

ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2007 йил 21 майдаги қарорларини бажариш учун банк 2013 йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес субъектларига 89,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар берди.

Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2010 йил 28 июлдаги Фармони-га мувофиқ, 9 506,1 млн. сўм ҳажмида кредитлар ажратилди, 939 та янги иш ўрни яратилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қўлай ҳуқуқий инвестиция муҳити, қафолатлар ва имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилди. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари тизими ишлаб чиқилди ва бу тизимда энг асосий роллардан бири банк тизимига тегишлидир. Молияланган бир қанча лойиҳаларини амалга ошириш натижалари Миллий банк юритаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Бугунги кунда банк ўз эътиборини ишлаб турган корхоналарнинг реконструкциялаш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги қувватларни ишга туширишга қаратмоқда.

Президентимизнинг қорхоналарини молиявий соғломлаштириш ва барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш мақсадида ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишга қаратилган «Иқтисодий реал секторни қорхоналарини молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 18 ноябрдаги Фармонини бу соҳада қўйилган муҳим қадам бўлди.

Ҳозирги вақтда банк баланси-га қабул қилинган 67 та қорхонадан 34 таси янги мулкдорларга сотилди, 31 та қорхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, иккитасида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб бориюмоқда. Ишлаб чиқаришни тиклаш, иқтисодий нозор қорхоналарини модернизациялаш ва зарур айланма сармо-ва билан таъминлаш учун 172,8 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар инвестицияланди. Шундан 15,3 млрд. сўм 2013 йилда ажратилди. Ишлаб чиқариш фао-



лияти тикланган 50 та қорхонада, жумладан, 19 та сотилган қорхонада 512,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 116,7 млн. АҚШ доллари қийма-тидаги маҳсулот экспорт қилинди. Шундан тегишлича 78,3 млрд. сўм ва 16,4 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги 2013 йилга тўғри келди. 5867 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Миллий банк ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг молия муассасалари орасида пластик картчалар бозорида чакана банк сифатида ўз етакчилик мавқеини аввалгидек мустаҳкам сақлаб турибди.

Ҳозир Миллий банк чиқарган пластик картчалар сони 3 миллион дан ортиқ бўлиб кетди. Фақат жорий йил бошидан буён 236,2 мингта карточка муомала-га чиқарилди, улар бўйича ба-жарилган операциялар ҳажми 877,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу даври-даги нисбатан 1,2 баравар кўп. Иш ҳақи лойиҳалари доирасида 750,2 мингта карточка чиқарил-ди. Тўлов воситаси сифатида сўм пластик картчаларни қабул қилишчи савдо-сервис қорхона-ларидаги савдо терминаллари сони 13 441 тага етди.

Миллий банк бугунги кунда аънавий хизматларга қўшим-ча равишда масофадан хизмат кўрсатишнинг E-mail, SMS-бан-кининг, шахсий Web ва IVR-каби-нет каби турларини тақдир қила-пти. Жаҳон иқтисодиёти ва ҳозирги замон жамияти гло-бал электрон инфратузилмани вужудга келтиришга жадал су-руятлар билан интилюмоқда. Бунинг билан банк жамоаси маҳсулот ва хизматларни ри-вожлантириш стратегиясини ре-жаллаштириш чоғида уларни республикамиздан олис-ларда ҳам қўллаш мумкинлигини ҳисобга олмоқда.

Миллий банк ўзининг бутун фаолияти давомида мамлакат фуқароларининг фаровонлигини ошириш масаласига катта эъти-бор қаратиб келяпти. Депозит-лар ҳажми ўсганлиги банк бўли-млари ва филиаллари ор-


қали кўрсатилаётган хизматлар доираси кенгайгани, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги маҳсулотларини ишлаб чи-қиш ва жорий этиш, уларнинг сифатини яхшилаш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб бо-рилганлигининг натижаси бўли-б-гина қолмасдан, айти пайда республика аҳолисининг мамла-катдаги энг ишончли молия му-ассасаси сифатида Миллий банкка ишонч ортганлиги да-лили бўлди. Чунончи, фақат жо-рий йилнинг олти ойи ичида хо-рижий валютадаги 8 та ва мил-лий валютадаги 7 та янги ома-нат ишлаб чиқилиб, жорий этил-ди, 10 та омонатнинг амал қилиш муддати узайтирилди. Ҳозирги кунда Миллий банк жисмоний шахсларга миллий валютадаги 19 та ва хорижий валютадаги 17 та омонат турини тақдир қи-ла-пти.

2012 йил учун тасдиқланган чакана хизматларини ривожлан-тириш соҳасидаги сиёсат му-ваффақиятли амалга оширилган-лиги Миллий банкка ҳар йили ўтказиб келинаётган аҳоли ома-натларини жалб этиш бўйича танловда ғолиб чиқиш ва асо-сий номинацияларда совринли ўринларни эгаллаш имконини берди. Булар, хусусан, «Аҳоли омонатларини жалб этиш бўй-ича йилнинг энг яхши банки» (1-ўрин), «Пластик картчалар во-ситасида иш ҳақи лойиҳаларини жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» (Бухоро вилоят бўлимининг Операциялар бош-қармаси — 2-ўрин) ҳамда «Хо-рижий валютадаги энг яхши жа-мғарма депозити» қўшимча но-минацияларидир.


Миллий банк бўлим ва фили-алларига ҳар кун қўллаб фука-роларимиз мурожаат қилиб, ўз жамғармаларини қандай депозит турларига қўйишлари мумкинли-гини сўрашади. Бу эса, респу-блика аҳолисининг фаровонлиги ошгани, умуман банк тизимига ва хусусан Миллий банкка ишо-нч ортганлигининг бевосита тас-диғидир.

Миллий банк матбуот хизмати.

Банк мижозлари сонининг ўсиши



2013 йил 1 июлдаги ҳолатга кўра, кредит портфелининг тармоқлар бўйича таъминлиги



Банк тармоқлари мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаш-ган 90 дан ортиқ ҳудудий бўлим ва филиалларни ўз ичига олади. Миллий банк жабоннинг 80 та мамлакатдаги 600 дан зиёд энг катта ва энг нуфузли хорижий молия муассасалари билан алоқа ўрнатган ва бу муносабат-ларни сақлаб турибди.

Миллий банк бир неча маро-таба бир қанча нуфузли муко-фотларни қўлга киритганлиги ҳам у халқаро даражада етакчи молия муассасаси сифатида эътироф этилганидан далолат беради. «Умиллийбанк»ка «Moody's» ва «Standard and Poor's» халқаро агентликлари-нинг рейтинглари берилгани ва улар тасдиқланганлиги танлан-ган ривожланиш стратегияси тўғрисидаги тасдиқламоқда.

Банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфели тўғри диверсификациялангани, истиқболли даромад манбалари чўқур ўрганилиши ҳамда мижоз-ларнинг энг қатъий талабларига жавоб берувчи банк маҳсулот-ларининг доираси кенглиги Мил-лий банкка Ўзбекистон Респуб-ликсининг бутун иқтисодий сек-

тизими вужудга келтириш»; — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди-нинг жами 76,2 млн. АҚШ дол-лари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан «Тошкент ИЭСда 370 МВт қувватга эга буғ-газ қури-лмасини бунёд этиш».

Бундан ташқари, ушбу инвес-тиция лойиҳасини амалга оши-риш учун ХДТБнинг жами 220,0 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредит маблағлари Миллий банк қафолати билан жалб қилинди. Бу маблағлар ҳисобидан қўйи-даги лойиҳалар молияланмоқда: — ХХР Эскимбанкнинг 42,2 млн. АҚШ доллари миқдорида-ги кредити ҳисобидан «Ўзбеки-стон темир йўллари» ДАТК томо-нидан юк электровозларининг 11 та секциясини сотиб олиш»;

— Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди-нинг жами 240,86 млн. АҚШ дол-лари эквивалентидаги маблағла-ри ҳисобидан «Толимаржон ИЭСни кенгайтириш ва қуввати 450 МВтга тенг иккита буғ-газ қурилмасини бунёд этиш».

Лойиҳанинг умумий қиймати 1.280,0 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

Бундан ташқари, Миллий банк тегишли ҳукумат қарорларини бажариш мақсадида, бошқа ир-рик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ҳам иштирок этмоқда.

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда республика мо-лия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оши-риш ҳамда юқори халқаро рей-тинг кўрсаткичларига эришиш-нинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябр-даги қарори мамлакат тижорат банкларининг фаолияти ва бар-қарорлигини ошириш, кичик биз-несни, шунингдек, унинг шакл-ларидан бири сифатида оила-вий тадбиркорлиқни қўллаб-қув-ватлаш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ти-зимини ишлаб чиқишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Миллий банк ажратаётган кре-дитлар минглаб тадбиркорлар-га ўз бизнесини ташкил қилиш имконини берапти ва айти пай-тада янги иш ўринлари барпо этишда қўмқлашмоқда.

2013 йил бошидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

даги қарорини бажариш мақса-дида жами 116,97 млрд. сўм, «Озиқ-овқат маҳсулотлари» иш-лаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзаси-дан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2009 йил 28 январ-даги қарорига мувофиқ, жами 95,62 млрд. сўм миқдорида кре-дитлар ажратилди.

Миллий банк тадбиркор аёл-ларни фаол қўллаб-қувватламоқ-да ва шу тарика аёлларнинг бан-длигини таъминлаш, уларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, соғлом oilани шакллантиришда қўмқлашяпти. Чунончи, Вазир-лар Маҳкамасининг бу борада-ги қарорини бажариш мақсади-да, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун жами 84,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар аж-ратилди.

Президентимизнинг «Ўзбеки-стон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланти-ришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ва «Ўзбеки-стон Республикасида 2010 йил-гача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2013 йил 3, 10, 17, 24 ва 31 октябрь кунлари бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақдир этиди

Очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Респуб-ликаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг қўйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги банк улушлари қўйилмоқда:

№	Номи ва таъшилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг		Савдога қўйила-ётган улушнинг устав фондидаги фоизи (%)	Савдога қўйилаётган улушнинг бошлангич баҳоси	
		Манзили	Асосий фаолият йўналиши		Сўм	АҚШ доллари
1	«FARG'ONA KIMOY ZAVODI» МЧЖ	Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй.	Пахта целлюлозаси ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қадоклаш	100 %	59 154 993 600,0	29 003 232,79
2	«ASAKA MAK» МЧЖ	Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй.	Макарон ва макарон маҳсулотла-ри, ун ва ун маҳсулотлари ва бошқа турдаги халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	100 %	4 461 829 000,0	2 301 572,78
3	«SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖ	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй.	ПВХ ва полиэтиленлардан фитинглар тайёрлаш, пластмасса-дан буюмлар ишлаб чиқариш, полимерлардан қадоклаш буюм-ларини ишлаб чиқариш, иккилам-чи хомашёлари йиғиш ва қайта ишлаш.	100 %	3 168 645 000,0	1 553 561,97
4	«G'AZALKENT STONE» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй.	Саноат ва халқ истеъмол қурилиш хомашёлари ва қурилиш-пардоз буюмларини (мармар ва гранит плиталар, декоратив мармар мебели) ишлаб чиқариш	100 %	5 820 000 000,0	2 853 500,69
5	«ASIA SOKATO» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чино-бод кўчаси, 12-уй.	Минерал сув ва газланган ичим-ликлар ишлаб чиқариш	100 %	1 472 800 000,0	722 102,37
6	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖ	Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Универ-ситет кўчаси, 5-уй.	Музқаймоқ(эскимо)нинг кенг турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш	100 %	1 076 709 000,0	527 902,04

Очик аукцион шартлари:

Очик аукцион қилиб улушнинг сотилиш ба-ҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни сав-до ўтказилгандан сўнг бундақ пули сифатида, қолган қисmini бир йил муддатда сотувчи-нинг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қис-мига Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-кининг қайта молиялаштириш ставкаси бўй-ича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг экви-валентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Умиллийбанк»нинг АҚШ дол-лари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисоб-ланади.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида ки-ритилган маблағларни харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб бериш шар-ти билан сотилади.

Хужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жум-ладан, нотариус тасдиқлаш, объектни ба-ҳолаш ва сугурталаш билан боғлиқ харажат-лар), очик аукцион савдолари ташкилотчиси-га тўланадиган комиссия тўловлар ва бошқа юзгага келадиган барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очик аукцион савдосида қатнашиш учун та-лабгорлар қўйидаги хужжатларни тақдир этишлари лозим:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхати-дан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нусхаси, раҳбарнинг тайинланганлиги тўғри-сидаги буйруқдан ва унинг паспортдан нус-ха, шунингдек, ваколатли вакил қатнашган тақ-дирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган хужжатнинг нусхаси ило-ва қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдир-да, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-да расмийлаштирилган, ваколатли вакилнинг шахсини тўлиқ тасдиқлайдиган хужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кўнларида, маъзур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00да тўхтатилади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан савдога қўйила-ётган «FARG'ONA KIMOY ZAVODI» МЧЖ улуши бошлангич нархининг 2 фоизи миқдоридаги ҳамда қолган 8 та объект улушлари бошлан-гич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги за-калат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотек-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўлашиш шарт.

Ушбу банк улушлари сотилаётган қорхона-лар билан аяқдан танишиш истағида бўлган талабгорлар, уларнинг ўқорида кўрсатиб ўтил-ган манзилларига бориб танишишлари мум-кин.

Очик аукцион савдолари белгиланган сав-до кунлари соат 15.00да бошланади ва Тош-кент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Маж-лислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа восита-лари:

Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 101-уй; те-лефон: 234-11-22, 234-15-60; телефакс: 234-43-31.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Амир Темуш шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: 233-02-49; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

Халқимизни энг улуг ва
энг азиз байрамимиз —


**МАМЛАКАТИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
22 ЙИЛЛИГИ**

билан қутлайди!

**Ушбу шукуҳли кунларда барчага тинчлик,
омонлик, саломатлик тилаймиз.**

**Осмонимиз ҳамиша мусаффо, халқимиз
турмуши фаровон, юртимиз янада обод бўлсин.**

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК,
АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Murodilla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamooatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846

10561

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22.25

Topshirilgan vaqti — 01.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5